

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 175 (11.236)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ Бир кун Янгиликлар, воқеалар



Қўшма корхоналарда

ХАРИДОР ТАЛАБИГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИБ

**ПОЙТАХТИМИЗДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ХОРИЖЛИК ШЕРИКЛАР
БИЛАН ҲАМКОРЛИКДАГИ ҚЎШМА КОРХОНАЛАРДА ТАЙЁРЛАНАЁТГАН
МАҲСУЛОТЛАР ЎЗИНИНГ ЮКСАК СИФАТИ, ТАЛАБЛАР ДАРАЖАСИДАГИ
ДИЗАЙНИ БИЛАН ФАҚАТТИНА ИЧКИ БОЗОРДА ЭМАС, БАЛКИ ТАШҚИ
БОЗОРДА ҲАМ ХАРИДОРГИР БЎЛИБ БОРМОҚДА.**

Ана шундай тадбиркор жамоалар орасида бугунги кунда «ORIENT MEBEL» Ўзбекистон-Кипр қўшма корхонасининг ҳам ўз ўрни бўлиб, ўтган 4 йил мобайнида бу ерда ишлаб чиқариш ҳажми ортиб бормоқда, маҳсулот сифатини оширишга ва рақобатбардош турларини тайёрлашга эришилмоқда. 200 нафарга яқин мебелсоз меҳнат қилаётган мазкур қўшма корхонада ошхона мебелларининг турли хиллари ҳамда эшиклар тайёрлаш йўлга қўйилган. Дизайни бир-биридан ажойиб бўлган мебеллар корхона цехларида ўрнатилган Италия, Польша ва Россия технологик линиялари асосида тай-

ёрланади. Шунинг алоҳида таъкидлаш ўринлики, мамлакатимизда ўтказилаётган халқаро ярмарка ва савдо кўргазмаларидаги иштироки тадбиркорларнинг шартнома имзолашларида, буюртмачилар сафи тобора ортишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Корхонада маркетинг ишлари юксак савияда олиб борилади. Маҳсулотларни ишлаб чиқаришда, албатта бугунги харидор дид ва талаби эътиборга олинади. Йил сайин ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиб бораётгани маҳаллий ёшларни ишга жалб этишда, яъни улар учун қўшимча ишчи ўринлари яратишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

маросими бўлиб ўтди. Ани кунларда «Ёшлик» спорт мажмуасини таъмирлаш ишлари қизгин давом этмоқда.

● **КЕЧА** «Пойтахт» меҳмонхонасида футбол мутахассисларига «Бунёдкор» жамоаси сафига қўшилган бразилиялик футбол юдази Ривалдонни таъиништириш маросими ўтказилди.

● **БУГУН** Миробод туманидаги Фафур Фулом номли маданият уйида уй ҳамжамаси ва саратрошлик курслари битирувчиларига дипломлар топширилди.

● **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйи қошидаги уч йиллик бичиш-тиқиш мактаби қатнашчилари иштирокида уюштирилган викторина «Фойдали маслаҳатлар» деб номланди.

● **ЮНУСОБОД** тумани ҳудудида автомобиллар учун бутловчи қисмлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги қўшма корхона юртимиз Мустақиллиги байрами арафасида ўз фаолиятини бошлади.

● **АВИАСОЗЛАР** маданият саройида Ҳамза туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар кўмитаси, туман маданият ва спорт ишлари бўлими, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЁИХ туман бўлимлари ҳамкорликларида юртимиз Истиклолининг 17 йиллигига бағишлаб туман фаоллари, маҳаллалар оқсоқоллари, хотин-қизлар комиссиялари раислари, диний-маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, ёшлар иштирокида байрам тадбири ўтказилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).



Ўтган йилда корхона мебелсозлари томонидан 6,5 миллиард сўмлик мебел маҳсулотлари тайёрланган бўлса, жорий йилда ушбу рақамни 9-10 миллиард сўмга етказиш кўзда тутилган. Албатта, янги маҳсулот турларини харидорларга тақдим этишда мутахассислар тинмай изланишлар олиб бормоқдаки, бу ҳар бир яратилган товарда ўз аксини топапти. Маҳсулот экспортини йўлга қўйиш мақсадида эса хориж бозори ҳам ўрганилмоқда, ҳамкорлар билан музокаралар ўтказилмоқда.

Энг улуг, энг азиз айём — Мустақиллигимизнинг 17 йиллигини ўз меҳнат муваффақиятлари билан қутиб олаётган тадбиркорлар мамлакатимиз иқтисодий ривожига ўз ҳиссаларини қўйиш, яна янги иш ўринлари яратиш йўлида самарали изланишмоқда.

Шарифа ИЛЕСОВА
СУРАТЛАРДА: корхона мебелсозларининг маҳоратлари ортиб бормоқда.

ЎЗА сураглари

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 2007 ЙИЛ 18 МАЙДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН «ЁШ ОИЛАЛАРНИ МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ДОИР ҚўШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР Тўғрисида»ГИ ФАРМОНИ КўПЛА ЁШ ОИЛАЛАРНИНГ ИМТИЁЗЛИ ИПОТЕКА ВА ИСТЕЪМОЛ КРЕДИТЛАР ОЛИШИ ВА ЯШАШ ШАРОИТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШИДА МУҲИМ ОМИЛ БўЛМОҚДА.

Фармон ва ижро

КРЕДИТ ВА ФАРОВОНЛИК

«Ипотека банк»нинг Тошкент шаҳар бошқармасидан олинган маълумотларга кўра, жорий йилнинг ўтган даврида икки юз қирқ нафар ёш оилага имтиёзли шартлар асосида ипотека кредитлари берилган. Шунингдек, ёш оилалар учун мўлжалланган кўп қаватли уйлари қуриш учун банк пудратчи ташкилотларга кредит ажратди. Ҳозир ёш оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш ва уларни шинам уй-жой билан таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳрида йигирма тўққизта кўп қаватли уй қуриб битказилмоқда. Мирзо Улугбек туманининг «Феруза» ва «Қорасув-6» мавзелирида қад ростлаган уйлар шулар жумласидандир.

«Ипотека-банк» Тошкент шаҳар бошқармаси бошқарувчисининг биринчи ўринбосари Шодидил Носировнинг таъкидлашича, ҳозир шаҳарнинг турли ҳудудларида 35 минибанк, 10 филиал, 67 валюта айирбошлаш, 30 Western Union, 28 «Contact», 20 «Мигом» шохбоси ва 280 коммунал жамғарма кассаси фаолият юритмоқда. Банк мижозлари сони эса шаҳарда 20 мингдан ошди. Бу жорий йилнинг бошига нисбатан 6 фоиз кўп демакдир. Банк кассаларига тушаётган нақд пул микдори эса ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан бир ярим баробар ошди.

Кўпчилик ўз фаолиятини бошлашдан олдин молиявий қўллаб-қувватлашга эҳтиёж сезади. Бундай ҳолларда банк сармояси муҳим ўрин тутади. Шунинг билан олган бошқарма кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2008 йилнинг ўтган даврида қарийб тўққиз юзта кичик бизнес субъектига йигирма тўрт миллиард сўмлик кредит ажратди. Берилган кредитлар натижасида олти юзга яқин янги иш ўрни яратилди. Кредит маблағлари асосан иш-

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ КХШТ КОЛЛЕКТИВ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИ СЕССИЯСИДА ИШТИРОК ЭТИШИ Тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2008 йил 5 сентябрда Москвада бўлиб ўтаётган Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (КХШТ) Коллектив хавфсизлик кенгаши сессиясида иштирок этади.

МУҚАДДАС БҮРЧ

**ТОШКЕНТ ОЛИЙ УМУМҚЎШИН
ҚўМОНДОНЛИК БИЛИМ ЮРТИДА
БИРИНЧИ КУРС КУРСАНТЛАРИНИНГ
ҚАСАМЁД ҚАБУЛ ҚИЛИШ
МАРОСИМИ БўЛИБ ўтди.**

Тадбирда ота-оналар номидан сўзга чиққан Фиёс Бешимов, Насиба Нуриллаева, биринчи курс курсанти Шаҳбоз Аҳмадов ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишига улкан эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидладилар.

Офицер бўлиш — самарқандлик Каттабек Мансуровнинг болалик ораси. У муддатли ҳарбий хизматни аъло даражада ўтаб, қўмондонлиқнинг тегишли тавсияномасига эга бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 31 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қароридан кўзда тутилган имтиёزلардан фойдаланган Каттабек жорий йилда мазкур олий ҳарбий билим юрти курсанти деган шарафли номга сазовор бўлди.

Тантанали маросимда курсантларнинг кўргазмалар чикишлари намойиш этилди. Ёш ижрочиларнинг куй-қўшиқлари йиғилганларни янада ҳушнуд этди.

Курсантларнинг ҳарбий қасамёд қабул қилишга бағишланган бундай тантанали тадбирлар мамлакатимиздаги бошқа ҳарбий билим юртларида ҳам бўлиб ўтди.

Холмурод САЛИМОВ,
ЎЗА мухбири

**XXI АСР
САДОСИ**
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГГИ ХАБАРЛАР



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига мамлакатимиз Мустақиллигининг 17 йиллиги муносабати билан хорижий давлатлар раҳбарларидан самимий қутловлар келиши давом этмоқда.

● Тошкент вилоятининг Зангиота тумани «Ўратепа» маҳалласида вилоят ижтимоий кўникма маркази фойдаланишга топширилди. Бу ерда ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногирон болаларни соғломлаштириш учун барча шарт-шароитлар яратилган.

● Андижон шаҳрида барпо этилган Ёшлар марказининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

● Тошкентдаги «Daichi Auto Parts» очик турдаги акциядорлик хорижий корхонаси «Nexia» автомобиллари учун рул чамбаракларини ишлаб чиқара бошлади.

● Жомбой туманида яна бир янги корхона — «Diamond klass» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси ташкил этилди. Корхона фаолияти шиша идишлар ишлаб чиқариш, уларни ички бозорда сотиш, келажақда ўз маҳсулотларини хорижга экспорт қилишга йўналтирилади.

● Қарши туманидаги Пандирон қишлоғи ўқувчилари янги ўқув йилини замонавий бинада бошлашди. Бу ерда қисқа муддатда 420 ўринли мактаб биноси қуриб битказилди.

● Пастдарғом туманидаги 33-мактаб жамоаси янги ўқув йилини янги мактабда қаршилади. Арабхона қишлоғида бунёд этилган ушбу мактаб қурилишида «Мебелъ Азия» қурилиш корхонаси бунёдкорлари ғайрат кўрсатишди.

● Нурота тумани марказидаги дам олиш ва истирохат боғи қайта таъмирланди. Ушбу мақсадда ҳомийлар томонидан 35 миллион сўм маблағ ажратилди.

● Вобкент қурилиш касб-хунар коллежи Германия Тараққиёт банкнинг имтиёзли кредити ва грантига муносиб топилди.

● Наманганда анъанавий 48-гул байрами ўтказилди. Ушбу байрам вилоят марказидаги Захриддин Муҳаммад Бобур номидаги маданият ва истирохат боғида ташкил этилди.

● Мустақиллигимизнинг қутлуг байрами кунлари Саросиё тумани ҳокимлиги ҳамда саховатпеша ҳомийлар ташаббуси билан 54 нафар болажоннинг хатна тўйи ўтказилди ва юз нафардан зиёд уруш ва меҳнат фаришлари бир пилла чойга таклиф этилди.

● Андижон вилоятидаги Қўргонтепа туманида «Самосертек» Ўзбекистон-Америка-Россия қўшма корхонаси иш бошлади. Корхона йилига 5200 тонна калава ип ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, маҳсулот асосан чет элга экспорт қилинади.



ЖАҲОНДА

● «Франс-пресс» ахборот агентлиги хабарига айтилишича, Эроннинг «Iran Air» авиакомпаниясига қарашли самолёт фавқулодда ҳолат юз бериши натижасида Хиндистоннинг Мумбай шаҳри аэропортига қўнишга мажбур бўлган. Бунинг асосий сабаби авиалайнернинг двигателларидан бирида ёнгин чиққанлигидир.

● Туркиянинг шарқда Рихтер шкаласи бўйича 5 баллга тенг ер қимирлаши содир бўлди. «Рейтер» ахборот агентлиги хабарига айтилишича, ушбу табиий офатдан Адияман музофотидаги бир неча иншоотлар жиддий зарар кўрган. Қурбонлар ва бедарак йўқолганлар ҳақида маълумотлар йўқ.

● Сешанба кунини Гаитида юз берган «Ханна» тропик тўфони мамлакат иқтисодиётига жиддий зарар келтирган. «Рейтер» ахборот агентлиги хабарига кўра мазкур табиий офат натижасида камида 16 киши ҳалок бўлган.

● Кеча Покистон Бош вазир Юсуф Филогийга суикасд уюштирилди. Бу ҳақда «Би-би-си Нюс» телеканали хабар тарқатди. Бош вазир кетаётган машинага икки марта ўқ узилган бўлиб, ҳукумат раҳбари матбуот котибининг айтишича, бош вазир жароҳатланмаган.

● «Coca-Cola» компанияси Хитойдаги йирик «Huizuan Juice Group» шарбат ишлаб чиқариш компаниясини сотиб олди. Мутахассисларнинг фикрича, «Coca-Cola» шу йўл билан шарбат ишлаб чиқаришда ҳам етакчилардан бўлиб олиши мумкин.

● Японияда фазода жосуслик мақсадларида ишлатиладиган сунъий йўлдошларни жойлаштиришга ўрнатилган таъқиқни бекор қилувчи қонун қучга кирди.

● АҚШда илгари Хитой банки ходимлари бўлганлар устидан ҳукм чиқарилди. ИТАР-ТАСС хабарига кўра, Сю Чаофань ва Сю Гуоцзюньлар яна бир маслақдоши билан Хитой банкидан камида 485 миллион доллар ўғирлаган. Жиноятчилар рафиқалари билан қалбаки гувоҳнома ёрдамида АҚШга қўчиб келиб, сохта никоҳ билан фуқаролиқни қабул қилишган.

● Хитой Германиянинг «Сименс» компанияси билан ҳамкорликда соатига 380 километр тезликда ҳаракатланадиган йўловчи поезди ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни режалаштирмоқда. Ушбу тезорар поезд Пекин-Шанхай йўналиши бўйича ҳаракатланади.

● Буюк Британия савдо марказларининг бирида мамлакат миллий таомлари таъмини еслатувчи музқаймоқлар сотувга чиқди. Ноанъанавий усулда тайёрланган 20 хил бундай музқаймоқ орасида дудланган балиқ таъмини берадигани ҳам мавжуд.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА мухбири

Инсон ва қонун

2008 — Ёшлар йили

БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ ЙЎЛИДА

суръат, ҳам сифат бахш этиши шубҳасиздир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаларида таъкидлаганларидек, жорий йилда амалга оширилиши лозим бўлган муҳим вазифалар кўлами кенг бўлиб, улар қаторига ёшларнинг манфаатларини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий базани кўриб чиқиш ва уни қучайтириш, таълим соҳасида амалга оширилаётган миллий дастурлар ижросини янги босқичга кўтариш ва бунга жавобгар бўлган идораларнинг масъулиятини кўтариш,

ДАВЛАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШГАН ЙИЛЛАРДА УНИНГ ОЛДИДА ТУРГАН МУҲИМ ВА МУРАККАБ ВАЗИФАЛАРДАН БИРИ ЯНГИ ЖАМИЯТГА МОС ЯНГИ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ ВА ШАКЛЛАНТИРИШ ЭДИ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ТАЪКИДЛАГАНЛАРИДЕК, «ЮРТИМИЗДА ЎЗ ВАТАНИНИНГ ТАҚДИРИ, УНИНГ БУГУНИ ВА КЕЛАЖАГИ УЧУН МАСЪУЛИЯТНИ ЧУҚУР ҲИС ЭТАДИГАН, МУСТАҚИЛ ВА ЯНГИЧА ФИКРЛАЙДИГАН КАДРЛАРГА ЭҲТИЁБНИ ҚОНДИРИШ ВАЗИФАСИ БИЗ МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШГАН БИРИНЧИ КУНЛАРДАНОҚ ЎТА МУҲИМ ВА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ МАСАЛАГА АЙЛАНГАН ЭДИ».

ёшларни замонавий касб-хунарга ўргатиш ва олган билимларини ҳаётга татбиқ этиши учун шарт-шароитлар яратиш, иш билан таъминлаш вазифаларини киритиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, ушбу вазифаларнинг бажарилишида нафақат давлат органлари, балки жамиятимизнинг барча ижтимоий тузилмалари фаол иштирок этиши керак. Айни пайтда, бу вазифаларнинг жойларда амалга ошиши кўп жиҳатдан маҳаллий ҳокимият органларига, яъни ижро ҳокимиятининг куйи органлари фаолиятига, уларнинг масъулиятига ва малакали ёндашувига боғлиқдир.

Шу боис, мамлакатимизда амалга

оширилаётган демократик ислохотлар натижасида марказдан маҳаллий ҳокимият органларига қатор функциялар олиб берилмоқда. Шу тариқа, иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ҳал этиш, бюджет ташкилотларини, коммунал хўжалик ва ободонлаштириш ишларини молиялаштириш, одамларни иш билан таъминлаш ва аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ваколатларни маҳаллий ҳокимият, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллаларга босқичма-босқич ўтказиш жараёни амалга оширилмоқда. Бу жараён ўз навбатида маҳаллий ижро органларининг ваколатларини ва имкониятларини кенгайтиради, жойлар

да кишилар турмушини яхшилаш учун шарт-шароит яратишга йўл очиб беради.

Шу муносабат билан, ёшларга доир давлат сиёсатини амалга оширишга масъул бўлган тегишли давлат органлари, жамоат ташкилотлари ва бошқа ташкилот ва тузилмалар ўртасида ўзаро самарали ҳамкорлиқни, фаолиятларни мувофиқлаштириш ва мутаносиблашни янги давр талабига мос даражага кўтариш вазифаси бугунги кунда аҳамиятлидир. Бу борада Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими, Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофазатаиш вазирлиги ва бошқа тегишли давлат органлари ҳамда маҳаллий ҳокимият органларининг, шунингдек, ёшлар фаолиятига дахлдор жамоат тузилмаларининг баҳамжият фаолият олиб боришлари аҳамиятлидир.

Мавлуда АҲМЕДШАЕВА,
Тошкент Давлат юридик
институту доценти

Юртимизда тинчлик-хотир-жамлиқнинг сақланиши, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда Ички ишлар идораларининг хизматлари каттадир.

СУРАТДА:
308-милиция таянч пункти катта профилактика инспектори майор Толиб Зоиров келгуси режалар билан ўртоқлашмоқда.
Алексей Попов олган сурат



«Ватанпарвар» ташкилотларида

ҚИЗИҚАРЛИ ТАДБИРЛАР ЎТКАЗИЛМОҚДА

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ИЛК ЙИЛЛАРИДАН БОШЛАБ ЮРТИМИЗДА ВОЯГА ЕТМАГАН ЁШЛАРНИНГ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИ, ЖИСМОНАН СОҒЛОМ ВА БАРКАМОЛ БЎЛИШ ЎСИШЛАРИ ЙЎЛИДА КАТТА ВА ХАЙРЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛИБ КЕЛИНМОҚДА. ХУСУСАН, БУ БОРАДА МУДОФААГА КЎМАКЛАШУВЧИ «ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТИ ТОМОНИДАН ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАР КЎЛАМИГА НАЗАР ТАШЛАШНИНГ ЎЗИ ЁШЛАР КАМОЛОТИГА ҚАНЧАЛИК ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛГАНИНИ ОЙДИНЛАШТИРАДИ, ДЕСАК ЯНГЛИШМАГАН БЎЛАМИЗ.

— Фаолиятимиз давомида ёшларнинг ватанпарвар, ахлоқ-одобли, касб-хунарни, соғлом турмуш талаблари асосида баркамол бўлиб-вояга етишларига ҳисса қўишига эътиборни қаратганмиз, — дейди биз билан суҳбатда МК «Ватанпарвар» ташкилоти Учтепа туман Кенгаши раиси Бахтиёр Рашидов. — Аввало туман ҳокимияти ҳузуридаги воёга етмаганлар билан ишлаш комиссияси билан ҳамкорликда иш олиб бориб тумандаги тарбияси оғир болалар билан бир қатор тадбирларни ўтказиб келмоқдамиз. Мисолларга мурожаат этадиган бўлсак спортнинг валебол, баскетбол турлари, варрак учирши бўйича Мир-

зо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган қизиқарли мусобақалар, СТК тирида тумандаги Қурилиш коммунал коллежи, маҳалла ва СТК ходимлари ўртасидаги ўқ отиш мусобақалари, Тошкент Солиқ коллежи ўқувчилари билан 2007-2008 ўқув йилида «Чакирғува қадар бошлангич тайёргарлиги» фанидан «Отиш тайёргарлиги» бўйича амалий машғулотларни биргаликда ўтказиш, 75-, 109-мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган ўқ отиш мусобақаларини келтириш мумкин. Шунингдек, «Ватанпарвар» ташкилоти, бошлангич ташкилотлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳарбий хизматчилар иштирокида

«Аждодлар анъаналарига содиқлик ва давом эттирамиз» мавзусидаги учрашув ёки «Арт Шоу парк» спорт мажмуасида болалар учун ташкил этилган кўргазма, ОИТС, гивандлик, кашандлик ва бошқа зарарли одатларга қарши вақтларини мазмунли ўтказишга қаратилган тадбирлар ҳам ташкилот фаолияти доирасидаги ишлар сирасига киради.

— Мақсадимиз болалар, воёга етмаган ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, спортга жалб этиш, жисмонан ва маънан баркамол, ватанпарвар бўлиб-воёга етишларига ҳисса қўишидир, — дейди Бахтиёр Рашидов.

Шоира МУҲАМЕДОВА

ФУҚАРОЛАРНИНГ УНГА ТЕГИШЛИ БЎЛГАН МОЛ-МУЛКНИ, МУЛККА БЎЛГАН ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРНИ ЎЗИ ВАФОТ ЭТГАНДАН СЎНГ ТАСАРРУФ ЭТИШ БЎЙИЧА ХОҲИШ-ИРОДАСНИ ИФОДА ЭТАДИГАН ФАРМОЙИШИ ВАСИЯТ ҲИСОБЛАНАДИ. БУ ҲУҚУҚ ВАСИЯТ ҚИЛУВЧИГА ЎЗ ҲУҚУҚИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ЭРКИНЛИК БЕРАДИ.

Васият ёзилган жойи ва вақти кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда тузилиши лозим. Нотариал тасдиқланган ва уларга тенглаштирилган васият ёзма шаклда тузилган ҳисобланади. Ёзма шаклдаги васият васият қилувчининг ўз қўли билан имзолаши лозим. Агар васият қилувчи жисмоний нуқсонлари, касаллиги ёки саводсизлиги туфайли васиятини ўз қўли билан имзолай олмабса, унинг илтимосига биноан нотариус ёки қонунга мувофиқ васиятни тасдиқладиган бошқа шахс ҳозир бўлганда васият қилувчи ўз қўли билан имзолай олмаганлигининг сабаблари кўрсатилган ҳолда васиятномага бошқа шахс имзо қўиши мумкин. Васият қилувчининг ўрнига васиятни имзолаши мумкин бўлмаган шахслар доираси фуқаролик қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Васият қилувчи касалдан вақтда ўз васиятномасини тўлалигича бекор ёхуд унда мавжуд бўлган айрим васият фармойишларини янги васият тузиш орқали бекор қилишга, ўзгартиришга ёки тўлдиришга ҳақли. Васият васият қилувчи томонидан ёки васият қилувчининг ёзма фармойишига биноан нотариус ёхуд бошқа мансабдор

шахслар томонидан унинг барча нусхаларини йўқ қилиб ташлаш йўли билан бекор қилиниши мумкин. Янги васият тузиш орқали олдин тузилган васият тўлалигича ёки унинг кейинги васиятга зид бўлган қисми бекор қилинади. Агар васият қилувчи томонидан кейинги васият ўз навбатида бекор қилинган ёки ўзгартирилган бўлса, янги васият тузиш орқали тўлалигича ёки қисман бекор қилинган олдинги васият қайта тикланмайди. Шунингдек, васият сир сақланади ва у нотариус, васиятнинг ижро этувчи ёки суд томонидан талқин қилинганда ундаги сўзлар ва ибораларнинг асл маъноси эътиборга олинади. Тегшли шаклда тузилмаган васият ҳақиқий ҳисобланмайди.

Васият мажбурияти — васият қилувчи васият бўйича меросхўрнинг зиммасига бир ёки бир неча шахс фойдасига бирон бир мажбуриятни мерос ҳисобидан бажаришни юклайди. Қонун бўйича ворислар жумласига қирадиган, шунингдек, қирмайдиган шахслар ҳам васият мажбурияти юзасидан

ҳуқуқ олувчига мерос таркибига қирадиган ашёни мулк қилиб ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ бериш, мерос таркибига қирмайдиган мол-мулкни унинг учун сотиб олиш ва унга бериш, унинг учун муайян ишни бажариш, унга муайян хизматлар

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ ВА МАЖБУРИЯТ

кўрсатиш ва васият мажбурияти нарсаси бўлиши мумкин. Васият қилувчи томонидан зиммасига васият мажбуриятини бажариш вазифаси юклатилган меросхўр бу вазифани ўзига ўтган мероснинг мерос қолдирувчи қарзларининг ўзи тўлаши лозим бўлган қисмини чегириб ташлагандан кейин қоладиган ҳақиқий қиймати доирасидагина бажарилиши лозим. Агар зиммасига васият мажбурияти юклатилган меросхўр меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлса, унинг васият мажбуриятини бажариш вазифаси ўзига ўтган мерос қийматининг мажбурий улуш миқдоридан ортиқ бўлган қисми билан чегараланади. Васият

мажбурияти барча ёки бир неча меросхўр зиммасига юклатилган ҳолларда, агар васиятномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, уларнинг ҳар бири васият мажбуриятини меросдаги ўз улушига мутаносиб равишда бажаради. Васият қилувчи мерос сифатида уй-жой, квартира ёки бошқа турар жойни оладиган меросхўр зиммасига турар жойни ёки унинг бир қисmini бошқа шахсга умрбод фойдаланиш учун бериб қўиш мажбуриятини юклатишга ҳақли. Турар жойга

бўлган мулк ҳуқуқи кейинчалик бошқа шахсга ўтганида ҳам умрбод фойдаланиш ҳуқуқи бошқа шахсга ўтказилмайди, ўзига берилмайди ва васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчининг меросхўрларига ўтмайди. Васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчига берилган турар жойдан умрбод фойдаланиш ҳуқуқи, агар васиятномада бошқача тартиб кўрсатилган бўлмаса, унинг оила аъзолари мажбур турар жойда яшаши учун асос ҳисобланмайди. Зиммасига васият мажбурияти юклатилган меросхўр вафот этган ёки у меросни қабул қилиб олмаган тақдирда, васият мажбуриятини бажариш унинг улушини олган

бошқа меросхўрларга ёхуд, агар мол-мулк эгасиз бўлиб қолса, давлатга ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ўтади. Васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчи мерос олинганга қадар ёки мерос олингандан кейин, аммо васиятнома бўйича меросхўр васият мажбуриятни қабул қилиб олишга улгурган пайтга қадар вафот этган тақдирда васият мажбурияти бажарилмайди. Васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчи мерос қолдирувчининг қарзлари учун жавобгар бўлмайди.

Васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчи васият мажбуриятдан воз кечишга ҳақлидирлар. Қисман васиятдан воз кечишга, шартлар қўйиб ёки бошқа шахснинг фойдасига воз кечишга йўл қўйилмайди. Ушбу қонунда назарда тутилган ҳуқуқ айти бир пайтнинг ўзида ҳам меросхўр, ҳам васият мажбуриятини қабул қилиб олувчи ҳисобланган шахснинг меросдан воз кечиш ҳуқуқига боғлиқ бўлмайди. Агар васият мажбуриятини қабул қилиб олувчи ушбу қонунда назарда тутилган ҳуқуқдан фойдаланган бўлса, зиммасига васият мажбурияти юклатилган меросхўр бу мажбуриятни бажаришдан озод бўлади.

Муборак ИШМЕТОВА,
Сергели туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус

Қонун ва ижро

ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР САМАРАЛИ РИВОЖЛАНМОҚДА

МАМЛАКАТИМИЗ ҚОНУНЧИЛИГИДА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИБ КЕЛИНАЁТГАН СОҲАЛАРДАН БИРИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИГА ДОИР МЕЪЁРИЙ ҲУҚУҚЛАРНИНГ АМАЛИЙ ИЖРОСИ ҲИСОБЛАНАДИ.

Шу маънода Тошкент шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳудудий бирлашмаси ўз фаолиятини Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси Низоми, "Ўзбекистон Республикаси истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрда қабул қилинган "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокчини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарориди белгиланган вазифалар асосида олиб бормоқда.

Худудий бирлашманинг жорий йил иккинчи чорак яқунларидаги иш жараёнида тахлил этадиган бўлсак, аъзолар сони 7437 нафарга етказилганини, 332 та шикоят ва аризалар ижобий ҳал этилганлигини кўришимиз мумкин. Уларнинг аксарияти коммунал хўжалиги, савдо, соғлиқни сақлаш, газ, сув, алоқа, транспорт ва электр тармоқларига дахлдор муаммоларнинг бартараф этилиши билан боғлиқ.

Бир сўз билан айтганда, сарҳисоб даврида истеъмолчиларга етказилган берилган 74 миллион 876 минг сўмлик моддий зарарнинг ундириб берилганлигининг ўзиёқ соҳага жорий этилган ҳуқуқий базанинг мустаҳкамлаб бораётганини, энг муҳими мижоз, яъни истеъмолчи ва сотувчи ўртасидаги муносабатлар негизи қонун талаблари доирасида шаклланаётганидан далолат беради. Шу билан бир қаторда ўсиб келаётган ёш авлод онгига истеъмолчининг ҳақ-ҳуқуқлари ҳақида муайян тасаввурни шакллантириш, уни кенг маълумотлардан воқиф этиш борасида самарали тадбирлар олиб боришмоқда. Хусусан, ҳар йили анъанавий равишда ўтказиб келинаётган "Энг иқтидорли ёш истеъмолчи" кўриктанловининг Тошкент шаҳар босқичи ёшларнинг ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданиятга бўлган талаб ва эҳтиёжларини қондирадиган минбарга айланиб бормоқда.

— Ёшлар ҳеч шубҳасиз бизнинг қанотимиз, — дейди Тошкент шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳудудий бирлашмаси раиси Баҳодир Абдуқаюмов. — Шу маънода йилдан-йилга мазкур кўрик-танловда иштирок этаётган ёшларнинг билим, кўникмалари ортиб бораётгани ўқувчи ёшларда истеъмолчилик борасидаги қизиқишлари келгаётганидан далолат беради.

Хидирали ПАНЖИЕВ

Спорт

ИШТИРОКНИНГ ЎЗИ — КАТТА ЮТУҚ

КЕЧА ЎЗБЕКИСТОНЛИК СПОРТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ XIII ПАРАОЛИМПИАДА ЙЎНИЛАРИДА КАТНАШИШ УЧУН ПЕКИН ШАҲРИГА ЖЎНАБ КЕТДИ.

Эслатиб ўтамиз, ушбу йўналишдаги ўйинлар анъанавий тарзда асосий Олимпиада ўйинларидан сўнг ўтказиб келинади. Шу йил 6-17 сентябрь кунлари, XXIX Пекин Олимпиадасидан 13 кун ўтган, Хитой энди XIII Параолимпияда ўйинларида мезбонлик қилади.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлигидан олинган хабарларга кўра, бу сафарги Параолимпияда ўйинларида 200 га яқин давлатдан тўрт мингдан зиёд имконияти чекланган спортчилар катнашиши кутилмоқда. Мусобақалар 21 йўналиш бўйича ўтказилади. Илк марта XIII Параолимпияда ўйинларига эшак башши спортни киритилмоқда. Асосий мусобақалар Пекин шаҳрида ўтказилади, фақат елканли ҳамада от спорти бўйича мусобақалар Хитой пойтахтидан ташқарида — Циндао ва Гонконгда бўлиб ўтади.

XIII Параолимпиадасида икки нафар ҳамюртимиз спортнинг уч тури бўйича катнашади, шу жумладан Фарҳод Саидов сузиш бўйича беллашади, Равиль Диганшин эса енгил атлетика мусобақаларида ҳамда пауэрлифтинг бўйича ўз маҳоратини кўрсатади.

Мамлакатимиз спортчилари ушбу йўналишдаги олимпиадада биринчи марта 2004 йилда Грециянинг Афина шаҳрида фақат пауэрлифтинг мусобақаларида катнашган бўлсада, шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш лозими, бу спорт паралимпияда тури бўлиб, ўз ичига оғир атлетика беллашувларини қамрайди. Пауэрлифтинг дастлаб 1992 йилда Барселонада ўтказилган Параолимпияда ўйинларига киритилиб, ўшанда 25 давлат вакиллари шу йўналишда беллашганди. «Пекин-2008» ўйинларида 109 та давлат пауэрлифтингчиларини, жумладан Ўзбекистон вакили ҳам катнашади.

Ўзбекистонлик спортчилар ушбу мусобақаларга йил давомида тайёргарлик кўрган, чунончи ўқув машқлари ҳамда табиий кўрик муолажалари режалари равишда олиб боришган.

Параолимпияда миллий уюшмаси шунинг ҳам маълум қилдики, шу йил 4-11 сентябрь кунлари мамлакатимиз вакиллари Хитой Тайпейида бўлиб ўтадиган футбол бўйича кар-соқовлар ўйинларида ҳам катнашади. Ушбу мусобақага йўлланмани эса Ўзбекистон паралимпия жамоаси июнь ойида Словакияда ўтказилган халқаро турнирда олтин медалга сазовор бўлиб қўлга киритган.

Ишончимиз комилки, ҳамюртларимиз 200 га яқин мамлакат иштирокидаги бундай мусобақаларда муносиб иштирок этиб, энг яхши натижаларга эришадилар. Қолаверса, спортчиларимиз ўз имкониятларидан келиб чиқиб, Ватанимиз шаънини мана шундай кенг доирадаги беллашувларда ҳимоя қилишга шайланганликларининг ўзи катта ютуқ, жасоратдир. Барчаларига зафар ва омад тилаб қоламиз.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА



МУСТАҚИЛЛИК БИЗЛАРГА КЎП СОҲАЛАРДА КАТТА ЯНГИЛИКЛАР ОЛИБ КЕЛДИ. АЙНИҚСА КИРИБ КЕЛАЁТГАН ҲАР БИР ЙИЛНИНГ ИНСОН МАНФААТЛАРИ ҲИСОБГА ОЛИНГАН ҲОЛДА БИРОР НОМ БИЛАН НОМЛАНИШИ ХАЙРЛИ НИЯТ БИЛАН БОШЛАНГАН ИШЛАРИМИЗ САМАРАСИГА КАТТА ТАЪСИР КЎРСАТМОҚДА.

Умуммиллий дастур — амалда

ЯНГИ МАКТАБ ДАҲА ЧИРОЙИНИ ОЧДИ

Хусусан жорий йилимизнинг Ёшлар йили деб номланиши ҳам келажакимиз эгалари бўлган ёшларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга хизмат қилмоқда. Бизнинг Юнусобод туманидаги Ҳасанбой даҳасига жойлашган «Шарқ ҳақиқати» маҳалламизда ҳам айтиб берам арасида қўшалоқ байрам нишонланди. Гап шундаки, Ҳасанбойда 313-умумтаълим мактаби бўлиб у жуда ҳам эскириб қолган, ниҳоятда таъмирга муҳтож эди. 630 ўқувчига

мўжаланган, бир қаватли эски мактаб биноси яқинда бутунлай бошқа қиёфада, қайта қурилиб уч қаватли, кўркам, замонавий тарзда жиҳозланган таълим-тарбия ўчоғига айлантирилди.

Маҳалламиз аҳли бу кунларни жуда орзиқиб кутган эди. Мана Мустақиллик муносабати билан орзуларимиз ўшалди.

Бу зиё масканида қурилиш ишлари ўтган йили декабрь ойида бошланган, азамат қурувчиларимиз ушбу мактабни болажонларимизга 1- сентябрь кuni топ-

ширамиз деб аҳд қилишган эди. Улар

бугун ўз аҳдларига содиқ қолишиб маҳалламиз ҳуснига- хусн қўшиб турган ушбу зиё масканини фойдаланишга топширишди. Бутунлай қайта қурилган ушбу таълим масканида кишки-ёғи спорт майдони, амалий иш бўйича устахона, тикув машғулоти учун алоҳида хоналар, ёғу ва шинам дарс хоналари мавжуд.

Шу ўринда қурилиш - таъмирлаш ишларига бош-қош бўлган Республика «Уз-госстрой» махсус-монтаж компанияси,

бош директори Хидирали Назаров, қурилиш бошлиғи Суннатилла Жалилов, участка бошлиғи Ҳалимжон Турсунов ва уста Бахтиёр Холтоевларнинг қўшган ҳиссаларини алоҳида таъкидлаб ўтишни жоиз деб биламиз.

Бир сўз билан айтадиган бўлсак, Ҳасанбой халқи давлатимиз ва Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилган бекиёс аҳамиятга эга бўлган эътибор ва ғамхўрликдан жуда миннатдор, илоҳим юртимиз ҳамиша тинч, мустақиллигимиз абадий бўлсин!

ЎЛМАС НОРМАТОВ
СУРАТЛАРДА: янги мактаб даҳа чиройини янада очди.
Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

Маҳалла

«АХИЛОБОД»НИК АХИЛ ҚЎШНИЛАР

ВАТАН МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ ДЕЙИШАДИ. БУ БЕЖИЗГА АЙТИЛМАГАН. ЗЕРО, МАҲАЛЛА ОБОД БЎЛСА, ЮРТ ОБОДДИР, МАҲАЛЛА ФАРОВОН БЎЛСА, ДЕМАККИ МАМЛАКАТ ФАРОВОН. ШУ БОИС ҲАМ ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ ДАСТЛАБИЙ ЙИЛЛАРИДАН БОШЛАБ БУ ТИЗИМГА ДАВЛАТ СИЁСАТИ ДАРАЖАСИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛИБ КЕЛИНАЁТИР.



Бугун шаҳримизнинг қайси бир туманига борманг, ана шундай обод ва фаровон маҳаллаларни кўриш мумкин. Юнусобод туманидаги «Ахилобод» маҳалласи ҳам ана шундай ғўшалардан биридир. Кейинги

йилларда маҳаллада ободонлаштириш ва кўчаларнинг янгилаштириш ишлари кенг қўламда олиб борилди. Катта йўлнинг ёқасида узок йиллардан бери бир ташландик майдон қаровсиз ҳолда ётарди. Бугун у ерда кўзларни қувонтириб замонавий ва шинам маҳалла гузари қад ростлаб турибди. Энг замонавий усулда барпо этилган тўйхона, қаҳвахона ҳамда супермаркет хизматидан бугун эл мамнун.

— Бугунги кунда маҳалламизда етти минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади, — дейди маҳалла оқсоқоли Вячеслав Ким. — Улар турли миллат вакиллари бўлишларига қарамай, жуда аҳил ва тотув, бир оила фарзандларидек ҳамжихатликда яшаб келмоқдалар. Бу йил биз учун бунёдкорлик йили бўлди. Маҳалла гузари очилди. Икки қаватли қаҳвахона қуриб фойдаланишга топширилди. Ёшлар йили муносабати билан спорт- соғломлаштириш марказини қуриб аҳолининг салкам 35 фоизини ташкил этадиган ёшларимизга топширилди. Эртасми эгалари бўлган ёшлар энди спортнинг теннис, баскетбол, волейбол каби бир қатор турлари билан шуғулланишлари мумкин.

Азалдан маҳалла чинакам миллий қадриятлар, маънавият маскани бўлиб келган. Узаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тутувлик, кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш каби бир қатор қадриятлар маҳалла муҳитида шаклланган.

— Ҳар бир байрамда кам таъминланган, кўп болали оилалар ҳамда ёлғиз, қаровсиз, кўмакка муҳтож кексаларга имкон борича ёрдам кўрсатиб келамиз, — дейди маҳалла йиғини котибаси Раёно Юсупова. — Беморлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, ёш болали, воғга етмаган ўсмир- ёшлар ҳам ҳамиша эътиборимизда. Маҳалламизда яқинда бўлиб ўтган тадбиримизда 22 нафар кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий кўмак кўрсатилди, чиройли байрам дастурхони ёзилиб дилдан суҳбат қуришлари имкон яратилди.

— Маҳалланинг ижтимоий- иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, оилалар тинчлигини таъминлаш, ёш авлодни миллий мафкура ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бугунги куннинг долзарб вазифасига айланган, — дейди диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Раёно Ҳусанова. — Худудимизда 2 та мактаб, 3 та мактабгача таълим муассасаси ҳамда 1 та кўшма корхона жойлашган. Улар билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган. Айниқса, тарбияси оғир болалар билан ишлашда маҳалла, мактаб ва оилалар ўртасидаги ҳамжихатлик яхши самара бермоқда. Хотин- кизларни иш билан таъминлашга ҳам эътибор қаратганмиз. Ҳозирда 50 нафарга яқин қиз ва аёллар маҳалламиздаги кичик тикувчилик корхонасида фаолият олиб бормоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида таъкидланганидек «Халқимизга хос ўзини ўзи бошқариш тизимининг бу ноёб усули қадим-қадимдан одамларнинг нафақат тилида, балки дилида, бутун ҳаётида чуқур жой эгаллагани бежиз эмас. Биз «Маҳалла — ҳам ота, ҳам она» деган ҳикматилик нақлни ана шу ҳаётини ҳақиқатини олдаси сифатида қабул қиламиз».

Бугун чиндан ҳам «Ахилобод» маҳалласи одамларнинг тилидан эмас, балки дилидан ҳам жой олди. Бунинг қалити эса, аҳилликда.

Улугбек ҲАМРОКУЛОВ
СУРАТДА: «Ахилобод» маҳалласи ҳаётидан лаҳза.

АЁЛ — ОИЛА ТАЯНЧИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ХОТИН-КИЗЛАР КОЛОНИЯСИДА «ИСТИҚЛОЛ ВА АЁЛ» МАВЗУСИДА МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан ўтказилган мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 17 йиллиғига бағишланди. Тадбирда сўзга чиққанлар барча иштирокчиларни байрам билан кутлаб, жамиятда аёлларнинг ўрни ва мавқеи тўғрисида тўхталишди.

Зеро, оиладаги тинчлик ва осойишталик, меҳр-оқибат муҳитини сақлаш, аввало аёллар зиммасида эканлигини алоҳида таъкидлашди. Бундан ташқари, фарзандлар тарбияси, уларнинг баркамол инсонлар бўлиб воғга етишида ҳам аёлнинг ўрни бекиёс. Мазкур тадбирни ўтказишдан қўзланган асосий мақсад ҳам ҳаётда адашиб, жазони ўташ колониясига тушиб қолган аёлларни маънавий ва маърифий ҳаётга қайтариш. Уларни фақат эзгулик ғоялари билан яшашга ўргатиш, ўз оилаларига қайтиб соғлом муҳит яратишлари учун ишонч туйғуларини уйғотишга қаратилган.

Анжуманда истиқлол йилларида хотин-қизларнинг қўлга киритган ютуқлари, ҳукуматимизнинг аёлларга яратётган имкониятлари борасида ҳам сўз юритилди. Тадбир давомида иштирокчилар ўз хатоларидан пўшаймон эканликларини, озошликка чиққан, бу каби қабих ишларга қўл урмасликка, хатоларини ўз вақтида англаб етишга сўз беришди. Санъаткорларнинг чиқишлари, миллий куй-қўшиқлар тадбирга янада кўтаринкилик бағишлади.

ТУРНАЛАР ТИНЧЛИККА ЧОРЛАЙДИ

ТОШКЕНТДА ЎЗБЕК-ЯПОН МАРКАЗИ ТАШАББУСИ БИЛАН «ТИНЧЛИКНИНГ НОМИДА МИНГТА ТУРНАЛАР» МАВЗУСИДАГИ БУТУНЖАҲОН АКЦИЯСИГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ.

Бу акция ҳар йили ёзнинг сўнгги ойида Хиросима шаҳрида ўтади. Дунёнинг юзлаб давлатларидан шу кунни бу ерга минг донадан қоғоз турналар жўнатилади. Ўзбекистондан жўнатиладиган қоғоз турналар кўнгиллилар ва Ўзбекистон-Япония маркази вакиллари томонидан тўпланди.

Қоғоз турналарни яшаш борасида марказ томонидан икки бора

махсус танлов ташкил этилди. Унда марказда қоғоздан турна яшаш санъатини ўрганган кўнгиллилар ёшларига кўра икки гуруҳга бўлинишга куч синашди. Охириги ҳал қилувчи босқичда ҳар икки гуруҳдан ўн нафардан ишларнинг қатнашиди ва ўн олти ёшгача бўлганлар орасида К. Аҳмад-жонов, Ш. Каримбердиева ва Р. Абдурахмоновлар ғолиб бўлди. Ўн

олти ёшдан катталар ўртасида эса Ф. Мўминова, М. Ўйлодшова ва Э. Аҳмаджоновлар ясаган турналар энг бежирим деб топилди.

Таъкидлаш лозимки, қоғоздан турли шакллар яшаш ижодий дунёқарашни ривожлантириш қаторида, диққатни жамлашга ҳам катта ёрдам беради. Асосий эса, бу санъат билан хоҳлаган ёшдаги кишилар шуғул-

ланиши мумкин. Қоғозлардан турли шакллар яшаш санъати бундан минг йиллар илгари шаклланган, аммо Японияда у оммавийлик касб этган. Бугунда бу санъат билан дунёнинг қўллаб-даватларида турли ёшдаги кишилар шуғулланишади. Бунинг учун махсус мактаблар ҳам ташкил қилинган. Улар орасида энг машҳури эса — қоғоз турналар яшаш десак хато бўлмайди. Японияда бахт ва узоқ умр қуриш рамзи ҳисобланган қоғоз турна рамзи, бугунда бутун дунёда кенг тарқалган.

«Туркистон-пресс»

БАХТИЁР КЕЛИН-КУЁВЛАР

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ ҲАМЗА ТУМАНИ ҲОКИМИЛИГИ ЁШЛАР ЙИЛИ МУНОСАБАТИ БИЛАН САВОБЛИ ИШГА ҚЎЛ УРДИ. ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ 17 ЙИЛЛИГИ АРАФАСИДА ҲОКИМИЛИК ТАШАББУСИГА КЎРА, ТУМАНДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛАДИГАН КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАРДАН БИШ НАФАРИНИНГ ТҶИЙИ ЎТКАЗИБ БЕРИЛДИ.

Беш жуфт келин-куёвнинг бахт тўйи етти маҳаллага овоза бўлди.

— Юртбошимизнинг: «Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар кун қилиш керак» деган сўзлари ҳар биримизни эзгу ташаббусларга ундамоқда, — дейди Ҳамза туманидаги «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Хонзода Абдуқалилова. — Зеро, бағрикенглик, саховат халқимизга хос хислат. Ана шундай эзгу ғазиллатли кишилар саъй-ҳаракати тўғрисида юртимизда тўйлар қўпаймоқда, ҳеч кимдан кам бўлмасдан яшаш умримиз мазмунлига айланмоқда. Энг улғу, энг азиз байрамимизнинг қутлуг шодиёнаси арафасида тўйлари бўлиб ўтган ушбу келин-куёвлар ҳам, ўйлаймизки, аҳил оила бўлиб, келажакка муносиб хизмат қиладиган фарзандларни тарбиялайдилар.

Шоира БОЙМУРОДОВА
СУРАТДА: бахтиёр келин-куёвлар

ОШПАЗЛАРГА ТАСАННО

ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР БИЛАН ДЎСТЛИК ВА МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ АЛОҚАЛАР ЖАМИЯТЛАРИ КЕНГАШИ ТОМОНИДАН АНЪАНАВИЙ «ТАСАННО» ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛИ ЎТКАЗИЛДИ.

Маълумки, ҳар бир халқнинг таом тайёрлашда ҳам қадим тарихга эга анъана ва услублари мавжуд. Асрлар давомида сайқалланиб, бизгача етиб келган урф-одатлар ва бой маданиятимиз турфа хил таомлар тайёрлашда ҳам ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши ташаббуси билан ўтказилган халқаро ошпазлар танлови моҳир ошпазлар билан бир қаторда ёшларни ҳам ўзига жалб

этди. Тадбирнинг очилиш маросимида сўз олганлар мазкур фестивал нафақат турли халқларнинг меҳмоннавозлигидан боҳабар бўлиш, балки ўзаро дўстлик муносабатларини мустаҳкамлашга ҳам замин яратишини алоҳида таъкидлашди.

Анъанавий тарзда бешинчи мартаба ўтказилган мазкур танловда Ўзбекистон, Хитой, Индонезия, Вьетнам, Польша, Корея, Хиндистон ва Арманистон каби ўндан ортиқ давлатларнинг моҳир ошпазлари беллашишди. Улар ширин таом тайёрлаш ва

уни безаш жараёнида анъана ва удумлардан кенг фойдаланишга эътибор қаратишган. Тайёрланган таомлар ва унинг тарихи оққали халқларнинг келиб чиқиши, урф-одат ва қадриятларини англаб олиш қийин эмас.

Танловда биринчи ўрин Арманистон, иккинчи ўрин Индонезия ва учинчи ўрин фалястинлик ошпазларга насиб этди. Танлов ғолиблари ва иштирокчилари ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирланди.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА,
«Туркистон-пресс»

Сўранг, жавоб берамиз

Яқин дугонам уй олиш учун қарз сўраган эди. Кўп йиллик ишончли дугонам бўлгани учун рози бўла қолдим. Дугонам айтилган вақтга қарзини қайтаролмай, ҳар хил баҳоналарни тўкиб, ўзини мендан олиб қочиб юрибди. Уртаимизда совуқчилик пайдо бўлди. Қандай олсам экан, нима қиларимни билмай ҳайронман?

Г.Алимова,
Мирзо Улугбек тумани

Ушбу саволга Ҳамза тумани 1-сонли давлат нотариал идора нотариуси (хуқуқшунос) Шуқурулло Акбаров жавоб беради.

Агар қузатаётган бўлсангиз кейинги йилларда худди шунга ўхшаш ҳолат тўғрисида ўзаро муносабатлар бузилиб кетмоқда. Қарз бериш ёки олишга доир масалалар ҳам қонунлар асосида белгилаб қўйилган. Жумладан, фуқаролар ва юридик шахслар ўртасида қарз шартномасининг тузилиши ана шундай ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Фуқаролар ўртасида қарз шартномаси, агар бу қарзнинг суммаси энг кам иш ҳақининг ўн баробаридан ортиқ бўлса, оддий ёзма шаклда тузилиши шарт. Шунингдек, шартномадаги тарафлардан бири юридик шахс бўлганда эса суммасидан қатъи назар ёзма шаклда тузилиши лозим.

Агар қарз олувчининг тилхати ёки унга қарз берувчи томонидан муайян сумма ёки муайян миқдордаги ашёлар топширилганини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжат мавжуд бўлса, қарз шартномаси ёзма шаклда тузилган ҳисобланади.

Агар қарз мажбурияти қарз олувчи томонидан берилган вексел, облигация ёки қарз суммасини ва қарз берувчининг уни ўқидириб олиш ҳуқуқини белгилайдиган бошқа қимматли қоғоз билан тасдиқланган бўлса, қарз шартномасининг ёзма шаклига риоя қилинган ҳисобланади.

Агар қонунда ёки қарз шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз берувчи қарз олувчидан қарз суммасига шартномада белгиланган миқдорда ва тартибда фоизлар олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Фоизлар тўлаш тартиби ва муддатлари қарз шартномаси билан белгиланади.

Қарз олувчи олинган қарз суммасини қарз шартномасида назарда тутилган муддатда ва тартибда қарз берувчига қайтариши шарт. Мабодро қарз суммасини қайтариш муддати шартномада белгиланган бўлмаса, қарз олувчи уни қарз берувчи қарзини қайтариш ҳақида талаб қўйган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида қайтариши керак.

Фоизсиз қарз суммаси қарз олувчи томонидан муддатидан олдин қайтарилиши мумкин. Фоиз эвазига берилган қарз суммаси, агар қарз шартномасида қўзда тутилган бўлса ёки қарз берувчининг розилиғи билан муддатидан олдин қайтарилиши мумкин.

Қарз олувчи пул ёки бошқа ашёларни қарз берувчидан амалда олмаганлигини ёки шартномада қўрсатилган кам миқдорда олганлигини исбот қилиб, қарз шартномаси юзасидан даъволашишга ҳақли.

Ёзма шаклда тузилиши лозим бўлган қарз шартномаси юзасидан ғувоҳларнинг қўрсатмалари ёрдамида даъволашиш мумкин эмас, шартнома алдан, зўрлик ишлатиш, таҳдид қилиш, қарз олувчининг вақили қарз берувчи билан ёмон ниятда келиши ёки қийин вазиятлар таъсирида тузилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар қарз олувчи қарз шартномаси юзасидан даъволашуви жараёнида пул ёки бошқа ашёлар ҳақиқатан ҳам қарз берувчидан олинмаганлиги аниқланса, қарз шартномаси тузилмаган ҳисобланади. Қарз олувчи қарз берувчидан пул ёки бошқа ашёларни шартномада қўрсатилгандан амалда кам миқдорда олган ҳолларда шартнома ана шу миқдордаги пул ёки ашёларга тузилган ҳисобланади.

Қарз олувчи қарз суммасининг қайтариб берилишини таъминлаш юзасидан қарз шартномасида назарда тутилган мажбуриятларни баҳармас, шунингдек қарзнинг таъминоти қарз берувчи жавобгар бўлмаган вазиятларда йўқотилса ёки унинг шартлари ёмонлашса, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз берувчи қарз олувчидан қарз суммасини муддатидан олдин қайтаришни ва тегишли фоизларни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Жиноят қилганликда гумон қилиниб, айбланаётган, судланаётган фуқарони ишлаб турган лавозимдан ҳам четлаштиришлари мумкинми?

Н.Пўлатова,

Чилонзор тумани

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг «Айбланувчини, судланувчини лавозимидан четлаштириш асослари» деб номланган 255-моддасида шундай белгиланган:

«Башарти айбланувчи, судланувчи ўз иш жойида қолса, у жинояти иш бўйича ҳақиқатини аниқлашга, жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплашга тўқсинлик қилади ёки жиноий фаолиятини давом эттирад» — деб ҳисоблашга етарли асослар бўлса, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд уни лавозимидан четлаштиришга ҳақлидир.

Ота-онам нафақада. Мен оила боқувчисиман ва бир нафар фарзандим ҳам бор. Шу ҳолатда ҳам мажбурий ҳарбий хизматга боришим шартми?

Ж.Ҳайдаров,

Миробод тумани

Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва Ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунда фуқароларнинг ҳарбий хизматга қабул қилиниши ва қандай ҳолатларда ҳарбий хизматга қабул қилишдан озод этиш ҳақида белгиланган.

Ушбу Қонунда — агар фуқаронинг икки нафар фарзанди бўлса ёки ўзидан кейин воғга етмаган 4 нафар укалари бўлса, шунингдек ота-онаси нафақада бўлиб, ногиронлиги бўлса ва бошқа ҳолатларда ҳарбий хизматга қабул қилишдан озод этилади.

«Умумий ҳарбий мажбурият ва Ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунда белгиланган меъёрлардан ташқари бошқа ҳолатларда фуқаро ҳарбий хизматга қабул қилиш ёки етмаган ҳарбий хизматга қабул қилиш

Бундан тўрт йил олдин етти киши иштирокида меъёл ишлаб чиқарувчи масъулияти чекланган жамият ташкил этган эди. Лекин кейинги пайтларда шерикларим турли баҳоналар билан жамиятдан чиқиб кетишимни талаб қила бошлади. Қонун бўйича менинг розилигим бўлмаса ҳам, мажбурий тартибда аъзоликдан чиқариш мумкинми?

Ш.Раимкулов,

Миробод тумани


Агар иш фаолияти давомида мажбуриятларининг қўпол бўлиб ёки жамият фаолиятига тўқсинлик қилиш каби жиддий хатти ҳаракатлар содир этмаган бўлсангиз, сизни жамият фаолиятдан мажбурий тартибда четлаштиришга ҳақли эмаслар.

Агар мазкур ҳаракатлар содир этилганлиги исботланса, унда жамият аъзоларининг талаби бўйича сизни аъзоликдан Суд тартибда четлаштиришлари «Масъулияти чекланган ҳамда қўшма масъулияти жамиятлар тўғрисида»ги қонун талабига мувофиқ амалга оширилади.

Ушбу саволларга Яқкасарой тумани 1-сонли давлат нотариал идора нотариуси (хуқуқшунос) Элеонора Забиров жавоб беради.

Билдирув

«Оқшом» газетасининг 2008 йил 29 август 169-170-сонларида чоп этилган Тошкент шаҳрида йўловчи ташвиш йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун оқиқ тендер ўтказиш ҳақидаги эълоннинг 9-сатри «2008 йил 7 октябрь соат 10.00 да» деб ўқилсин.



МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БЎСТОНИ БОБОРАҲИМ МАШРАБ ҲИҚМАТЛАР

Бериёзат ҳеч ким топмас мурод.

Одабийнинг умрига йўқтур сабот.

Кўзингни борида неки қил,
эмди нек яхшидур,
Ёмонни оти ҳаргиз яхшилиқда
борҳо қолмас.

Жами душманга шоду ўзгаларга
бўлмагин ғамгин,
Гадони мотамига шод бўлма,
подшоҳ қолмас.

Жами гўру кафанни қайғусида бўлма,
эй дарвеш,
Кўмулмай қолмагай ҳеч мурда,
ҳаргиз тахти по қолмас.

Эй биродар, бўлма дил озори кас,
Ўртанурсан оташи дўзахга хас.

Бад суҳандин ўчгай иймондин чароғ.

Икки кўр бир-бирга бўлмас раҳнамо.

Насиҳат қилмас — ёқмас руҳи ноқис,
бад табиатга,
На ҳожат ҳақ суҳан изҳор қилмоқ
аҳли ғафлатга.

Ҳар кишига дард ўтган сўнг
давони охтарур.

Ростларни роҳи беҳавфу хатар,
Неклардин асли етмасдур зарар.

Айби ботин ҳаб балойи жон эрур,
Англагин нуқсони ҳар иймон эрур.

Ёмонни яхшиси бўлгунча, яхшини
ёмони бўл.

Қаноат обрўи икки дунёдур,
агар билсанг.

Ҳайф нодонларга давлат бўлса сарф.

Атласе нодон қўлига хордур,
Тиг дасти ҳезга бекордур.

Ношукурлик бандани музтар қилур,
Охири шармандаи маҳшар қилур.

Ташна бўлгунча билинмас қадри об,
Кимки сармо кўрди, излар офтоб.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги «Малика бону фарм» хусусий корхонаси ўз номини масъулияти чекланган жамият қилиб ўзгартираётгани ҳақида маълум қилади.

«Малика бону фарм» хусусий корхонасига нисбатан даъволар бир ой ичида кўриб чиқилади.

Тошкент шаҳар Сергели тумани политехника касб-хунара коллежи томонидан 2004 йил 25 июнда Махамматсидова Нодира Муратовна номига берилган № 057117 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ



“ФЕРИДЕ” КАТТА ЭКРАНДА

ПОЙТАХТДАГИ АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ КИНОСАРОЙДА “ЎЗБЕККИНО” МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ ҲАМДА “25 КАДР” СТУДИЯСИ ТОМОНИДАН СУРАТГА ОЛИНГАН “ФЕРИДЕ” ФИЛЬМИНИНГ ТАҚДИМОТИ ЎТКАЗИЛДИ.

Мазкур фильм режиссёри ва сценарий муаллифи Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Ёлқин Тўйчиев бўлиб, фильмга кино санъатининг моҳир усталари жалб этилган. Фильмда бош ролларни таниқли актёрлардан Раъно Ярашева, Фотиҳ Жалолов, Юлдуз Ҳамидова, Фаррух Соипов, Гулчехра Эшонкулова, хонанда Индила ижро этган. “Фериде” фильмида ёшлар ҳаёти, севги-муҳаббат, оилалар, ота-оналар ўртасида келишмовчиликлар каби ҳолатлар тасвирга олинган. Фильм меҳрибонлик уйида тарбия, мактаб интернатда таълим олган қизнинг ҳаёти ва турмуш тарзига қаратилган ва у моҳирона, ўта таъсирчан тасвирланган. Фильмда Раъно Ярашева интернат мактаби раҳбари. У киёнинг бош қаҳрамони Феридега ҳар томонлама кўмаклашувчи инсон. Қизга ўша аёл томонидан “Чоликуши” асарининг бош қаҳрамони Фериде исми қўйилган. Кинода асосан Фериденинг ҳаётини тўлақонли тасвирлашга ҳаракат қилинган. Унинг мактаби тугатиб, мустақил ҳаётига йўл олиши, қисқа муддат икки уч йиллик ҳаёти акс этган.

— Мазкур фильмда ёшлар ҳамда ота-она ва фарзанд ўртасидаги муносабатларнинг тўлақонли очиб берилганлиги ҳеч бир томошабин эътиборидан четда қолмайди, — дейди томошабин Садоқат Умарова. — Дарҳақиқат, ота-онанинг фарзанди кўнглини тушунамаслиги, уларнинг бахтига тўғноқ бўлишлари ёмон оқибатларга, ҳаттоки фожиа билан якунланишга ҳам сабаб бўлиши мумкин. Бу каби ҳолатларга ҳаётини ҳисоллар жуда кўп.

Шуни айтиш жоизки, фильмда бош қаҳрамон Фарҳод образини яратган Ф.Соиповнинг ижроси, унинг севгилиси Феридега бўлган садоқатининг нечоғли юксаклиги ҳар бир жараёнда намоён бўлган.

Тақдирот маросимида фильмин томоша қилган кино мутахассислар кино мавзусига, актёрлар ижросига, воқеаларни ривожланишидаги боғлиқлиқни ишонarli чиққанига юқори баҳо беришди.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА,
“Туркестон-пресс”

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» САЛОМАТЛИК ХИЗМАТИ

ИММУНИТЕТ ВА УНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

ҲАР ХИЛ ХАСТАЛИКЛАР, ЭНГ АВВАЛО ЗАМБУРҲҲЛИ КАСАЛЛИКЛАРДАН ҲИМОЯЛАНИШНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ ИММУНИТЕТНИ ОШИРИШДАН ИБОРАТЛИГИНИ ИСБОТЛАБ ЎТИРИШНИНГ ҲОҲАТИ ЙЎҚ. ҲОЗИРГИ ТИҒИЗ ҲАЁТ МАРОМИДА ОРГАНИЗМНИНГ ҲИМОЯ ҚУВВАТИ СЕЗИЛАРЛИ ПАСАЙИШИ ТУРГАН ГАП. ШУНИНГ УЧУН ҲАМ ТУРЛИ ИНФЕКЦИЯЛАРГА ЧАЛИНИШНИНГ АЖАБЛАНАРЛИ ЖОЙИ ЙЎҚ. БИНОБАРИН, ҲАМИША ТАНАМИЗНИНГ ҲИМОЯ ҚУВВАТИНИ — ЯЊНИ ИММУНИТЕТИМИЗНИ ОШИРИБ БОРИШИМИЗ КЕРАК. ТИББИЁТ ФАНЛАРИ НОМЗОДИ МУҲАММАДЖОН МИРШАРИПОВ БИЛАН СУҲБАТИМИЗ ШУ ҲАҚДА.

Бунинг йўллари жуда кўп. Энг аввало, овқатланиш рақсонимизни витаминларга бойитишимиз зарур. Зеро, синтетик витаминли қўшимчалардан кўра, дармондориларга бой табиий озиқ-каларни етарли даражада истеъмол қилиш кўпроқ фойда келтириши аллақачонларик исботланган. Улардан айримлари билан таништирамиз.

• Банан ва баргизуб меъда бузилишини тинчлантиради, унинг шиллиқ лардасининг сариқ сув йиғиладиган ўсмадларга қарши қувватини оширади.

• Чўчүк қалампир шамоллаш, астма, бронхит, нафас йўллари яллиғланишига қарши курашда имунал тизимга ёрдам беради.

• Черника (бута меваси) бактериялар ишлаб чиқарадиган моддалар таъсирини, ич кетишини тўхтатади, вирусга қарши кураш хусусиятига эга.

• Оқ бошли ва гулкарам ҳам яққол кўзга ташланувчи вирусга қарши кураш хусусиятига эга.

• Сабзи инфекцияга қарши курашувчи кучли антиоксидант ҳисобланади.

• Қалампир бактерияларга қарши курашда, бурун атроф бўшлиқлари, нафас йўлларидаги сўлаклардан халос қилади, ўпкани шиллиқчилардан тозалайди, бронхитнинг олдини олади, оғриқни қолдирувчи хусусиятга эга, буғидан нафас олинганда бош оғриғини қолдиради.

• Таркибидаги мавжуд кофеин моддаси тўғрйли кофе бронх йўллари кенгайтиради. Шунинг учун уни астма ва нафас олиш қийинлашадиган касалликларда истеъмол қилиш фойдали.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЎЗБОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЎЗБОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЎЗБОНЛАР

«Республика қўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибиде бўлиб ўтадиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Юнусобод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, 2008 йил 3 сентябрда тақдим қилинган, Тошкент шаҳар Ҳўжалик судининг 2008 йил 15 августдаги 10-0817/7135 (17), 10-0817/7136 (17) ва 2008 йил 19 августдаги 10-0805/7174, 10-0810/7124-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Юнусобод тумани, А.Темур кўчаси, 60-а-уйда жойлашган, “Ўзбекқилоқсавдо” МЧЖга тегишли, 1974 йилда қурилган, майдони 12004 кв.м. бўлган, А, Б, В блоклардан иборат “Кооператорлар уйи” биноси, мол-мулклари билан бирга жамланма (комплекс) ҳолатда сотиш учун қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 6 270 185 030 сўм.

Аукцион савдосига 2008 йил 4 октябрь кунин соат 11:00 да бўлиб ўтади. Мол-мулклар билан суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мазкур савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» С.Раҳимов ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: МФО:00901, ИНН:200933850, х/р:20210000500571452105.

Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., М.Ўразбоев кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz

Савдоларга марҳамат!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ БОШКАРМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги «Академик лицей ва касб-хунара коллежлари директорларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида»ги Р — 2146-сонли фармойишига асосан қуйидаги таълим муассасасининг вакант (бўш) бўлган директорлик лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Таълим муассасаси номи	Манзили
Директорлик лавозимига		
1	Тошкент шаҳар, С.Раҳимов политехника касб-хунара коллежи	С.Раҳимов тумани, Камарисов кўчаси, 1-уй

Танловда олий маълумотли, камида 5 йил олий ва ўрта махсус, касб-хунара таълими тизимида педагог ҳамда раҳбарлик лавозимларида иш стажига эга бўлган, таянч олий маълумоти таълим муассасасида мавжуд бўлган тайёрлов йўналишларидан бирига тўғри келадиган мутахассислар иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Ўрта махсус, касб-хунара таълими ҳудудий бошқармаси бошлиғи номига ариза;
2. Туман ҳокимлигининг тавсияномаси;
3. Сўровнома (справка — объективка);
4. Таржимаи ҳол;
5. Олий маълумот ҳақида дипломининг нусхаси;
6. Илмий даража ва илмий унвони (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари;
7. Илмий-услубий ишлар ва иштироқлар рўйхати (мавжуд бўлса);
8. 3х4 ўлчамли 6 донга фотосурат;
9. Паспорт (нусха);
10. Тавсифнома;
11. Меҳнат дафтарчасидан нусха.

Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади. Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, М.Ўлугбек тумани, Мустақиллик шоҳқўчаси, 7-уй, 6-қават:

Тел: 236-05-01, 233-80-34.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г- 806

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар

Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
3329 нусхада босилади.
Қағоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари буйича
турар жойлардаги почта бўлимларида ёки
«Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонида
мурожаат қилишигиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбос акциядорлик компанияси
босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 3 4 5 6